
медаль

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРКУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАНТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДААЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАНХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИМУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДАЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГФАРМОНИМамлакатимизда таълим тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, соҳага доир ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўқув-тарбия жараёнига илғор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўқувчиларга илм-фан асослари ва замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ташаббускорлиги ва фидойилиги, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни шакллантириш, ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялаш борасидаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин: «Содиқ хизматлари учун» медали биланТурғунов Шерзод Мўйдинович - Бешариқ туманидаги 3-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 6-В синф раҳбари, информатика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти.Ўзбекистон РеспубликасиПрезиденти Ш.МИРЗИЁЕВ.Тошкент шаҳри,2021 йил 29 сентябрь.

2021-10-01 09:59:32